

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (10.850)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари туман ва шаҳар ҳатин-қизлар кўмиталари раҳбарлари учун ташкил этилган навбатдаги махсус курс машғулотларида давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид масалалар атрофида таҳлил этилди.

● Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб мебели, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлари учун махсус мебеллар ва спорт анжумлари кўргазмаси давом этмоқда. Мазкур кўргазма 10 мартга қадар фаолият кўрсатади.

● Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эверт номидаги жамғарма (Германия) ҳамкорлигида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорда баён этилган асосий вазифа ва қоидаларни ўрганишга доир дара суҳбати ўтказилди.

● Республика Техник ижодиёт марказида мактабдан ташқари таълим муассасаларида бошқарув фаолияти ҳамда услубий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинар бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги техник ижодиёт марказлари бўлим мудири ва услубчилари иштирок этмоқда.

● Булунгур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоа тарғиботи, маънавий-маърифий ишлари самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори, Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруқларини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти совини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2007» танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британияда Эроннинг ядровий дастурини тўхтатишга қаратилган учрашув бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи, Россия, Хитой ва АҚШ вакиллари иштирок этди. Учрашув давомида расмий Техронни ниятидан қайтариш йўлидаги барча дипломатик уришлар самара бермаганлиги таъкидланди. Музокаралар якунида томонлар Эронга нисбатан янги резолюция лойиҳасини тайёрлашга келишиб олишди.

● Непал ҳукумати мамлакат қироли Гьяендрнинг барча мулкларини давлат ихтиёрига ўтказишга қарор қилди. Ушбу режани амалга ошириш юзасидан махсус кўмита ташкил этилди.

● Афғонистоннинг Баграм шаҳрида жойлашган АҚШ ҳарбий базаси ёнида террорчилик ҳаракати содир этилди. Камикадзенинг ўзини ўзи портлатиб юбориши натижасида 20 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Хунрезликнинг ўша пайтда қамоққа бўлган АҚШ вице-президенти Дик Чейнига нисбатан суиқасд сифатида амалга оширилгани айтилмоқда. Бироқ Чейни жабрланган йўқ.

● Саудия Арабистонида тўққиз нафар франциялик сайёҳларга нисбатан уюштирилган қуроли ҳужум оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони тўрттага етди. Ушбу хунрезликни ҳозирча ҳеч қандай ташкилот ўз зиммасига олмаган.

● Кеча Россия футбол терма жамоасининг бош мураббийси Гус Хиддинкка нисбатан Голландия суди ўз ҳукмини эълон қилди. Голландиялик мураббий 1,5 миллион евро миқдордаги солиқларни тўламаганлиги учун олти ой шартли равишда қамоқ жазосига ва 45 минг евро миқдордаги жаримага тортилди.

● Кеча Санкт-Петербург шаҳрида ҳаракатланаётган минорали краннинг кўп қаватли уйга қулаб тушиши натижасида битта йўлакдаги деярли барча хонадонлар бутунлай вайрон бўлган ва уч киши ҳаётдан кўз юмган. Шаҳар мэри барча жабрланган оилаларни қартиралар билан таъминланганини билдирди.

● Молдова жанубида 1200 дан 2400 метргача бўлган чуқурликда катта миқдорда нефть захираси топилди. Мамлакат ҳукумати янги нефть қониғи ўзлаштиришда Озарбойжон билан ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзолади.

● Боливияда тинимсиз ёғаётган ёмғирлар кучли сув тошқинларига олиб келди. Мамлакатнинг айниқса шимолий-шарқий қисмида ахвол оғир. Ушбу сув тошқинлари ўнлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 1 март кун Тошкентда ҳаво ўзарғиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шимолий-шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ 27 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МУН ХАЁНГИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мун Хаён 2004 йилнинг сентябрдан буюн мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки бор учрашдилар. 2005 йилнинг майида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён давлат таширифи билан Ўзбекистон Республикасига келди. 2006 йилнинг мартида эса Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат таширифи бўлиб ўтди.

Мазкур саммитлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаб, ҳамкорлини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Айниқса, 2006 йилдаги Сеул учрашуви якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Ислам Каримов элчи билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда халқаро сиёсатга доир масалаларда мамлакатларимизнинг қарашлари ўхшашиги икки давлат алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг энг ишончли шерикларидан, деб билади. Савдо ва сармоя борасида Корея Республикаси нафақат Осиё қитъаси, балки дунё микёсида ҳам мамлакатимизнинг асосий ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил Корея Республикасига давлат таширифига қадар бу ўлкадан мамлакатимизга 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритилган бўлса, таширифи якунида имзоланган ҳужжатлар келгусида яна қўшимча 1,8 миллиард долларлик сармояни ўзлаштиришни назарда тутди.

Корея раҳбарияти Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, хорж сармоядорлари учун яратилган қулай шароитни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро иқтисодий

алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жанубий Корея Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларига чиқишда юртимиз имкониятларидан фойдаланишдан манфаатдор.

Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда ўзаро шерикликда тузилган 138 қўшма корхона, Жанубий Кореянинг 37 йирик фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий соҳадаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшаётди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намоёндалари ҳам биргаликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқдалар. Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Муносабатларнинг бундай даражага кўтарилишида Президентларнинг ҳамфикрлиги, ўзаро келишувлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, келишувларни амалиётга татбиқ этишда кўплаб соҳалар вакиллари, жумладан, дипломатлар самарали меҳнат қилаётганини ҳам таъкидламоқ жоиз. Мун Хаён ана шундай шахслардан биридир.

Учрашувда Президент Ислам Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, халқларимиз ўртасида илмий, маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Корея Республикаси элчиси Мун Хаёнга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

М.Хаён юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистондаги фаолияти самарали кечгани ва юқори баҳоланганидан мамнунлигини, юртимизда ўтказган йилларини унутмаслигини таъкидлади.

(ЎЗА)

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИНING ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда комиссиянинг 2006 йилги фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб ва 2007 йилги иш режаси тасдиқланди.

Йиғилишда теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг телерадиоэшиттириш объектиларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсиз фаолият юритишини ташкил этиш бўйича амалга оширган ишлари

мониторинги натижалари, шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборот тингланди.

Шунингдек, теледастурлар тарқатиш ва маълумотлар узатиш тизимида хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хоржий оммавий ахборот воситалари теле-

маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш учун лицензия ҳамда ҳуқуқига эга бўлиш, теледастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қамров ҳудудини кенгайтириш тўғрисидаги аризалари қўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар



2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

МАҲАЛЛАДА ЗАМОНАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Кун кеча Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Меҳр нури» жамғармаси ташаббуси билан Шайхонтохур туманидаги Хувайдо маҳалласида жойлашган 39-оилавий поли-

ликликка қайта тузилган поликлиниканинг бош шифоқори Наргиза Шермухамедова. — Илгари шароитлар бўлмаган эски бинадо

хоналари, кундузги стационар, жисмоний соғломлаштиришга мўлжалланган тренажёр зали барпо этилди. Шунингдек, шу ернинг ўзига тиббий қўриқдан ўтаётган ота-оналарини қуталарига болажонлар учун махсус хона ва кичик ошхона ташкил қилинган. 1987 йилда фаолият бошлаган поликлиникада бугунги кунда 139 та тиббиёт ходими ён-атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, шу ойда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси Хувайдо маҳалласида яшовчи ижтимо-



ликликка қайта таъмирланган фойдаланишга топширилди. Мазкур поликлиниканинг очилиш маросимида иштирок этган поликлиника жамоаси ҳамда маҳалла аҳли ва фаоллари аҳолига мана шундай замонавий тиббиёт масканини қайта таъмирлаб, янги тиббий жиҳозлар билан таъминлашда ёрдам берган «Меҳр нури» хайрия жамғармаси мутасаддиларига ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирдилар. Тадбир давомида жамғарма томонидан поликлиника жамоасига тезкор тиббий ёрдам учун мўлжалланган тиббий ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган «Дамас» автомашинасининг топширилиши айниқса қувонарли бўлди.

— Бугун поликлиникамиз жамоаси ҳамда маҳалла аҳли учун ниҳоятда қувончли кун бўлди, оилавий по-



фаолият юритган бўлса, эндиликда тўла таъмирдан чиқарилган поликлиника бутунлай янгица, замонавий қиёфага эга бўлди. Бино уч ой ичида қайта таъмирланиб, ён-атроф ҳудудлари ободонлаштирилди ҳамда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда махсус лаборатория, ультра тову ёрдамида текшириш бўлимлари, стоматология ва гинекология

ий ҳимояга муҳтож 150 нафар оилага махсус жамғарма китобчаларини топширди. Эндиликда мазкур жамғарма томонидан бу китобчаларга ҳар ойда моддий ёрдам пули ўтказиб турилади.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: 39-оилавий поликлиниканинг очилиш маросимидан лавҳалар. Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар.

Кечаси сатрларда

● **БУГУН** Миробод туманидаги 110-мактабда ўқувчилар ўртасида ташкиллаштирилган «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловининг Тошкент шаҳар финал босқичи Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими бошқармаси, шаҳар ИИББ, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларидан уюштирилди.

● **СОҒЛОМ** авлод учун жамғармасида КЕЧА Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ўтказилган шаҳримиз шифохоналарига дори-дармон воситалари, тиббий

номидаги Қашқадарё вилоят театри ижодкорлари томонидан тайёрланган «Рухлар исёни» спектакли томошасидан баҳраманд бўлишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий Кенгаши раёсатининг йиғилишида ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди, келгуси режалар белгиланди.

● **ТОШКЕНТ** Туризм касб-ҳунаар коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал демократик партияси «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар, партия фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «ЎзЛиДеП — қонунчиликни ёшларга ўргатиш тарафдори» деб номланди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида футбол мутасаддилари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари хо-

димлари иштирокида уюштирилган матбуот анжумани БУГУН «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон—БАА олимпия терма жамоалари ўртасида ўтадиган саралаш турнирига бағишланди.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида ёшлар иштирокида ўтказилган интеллектуал ўйин «Қувноқлар ва зуққолар» деб номланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги кино саройида Гулчехра Рўзиева сценарийси асосида режиссёр Искандар Бобоев етакчилигидаги санъаткорлар томонидан яратилган «Азизим» фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳқимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ БЎЛМИШ МАҲАЛЛАЛАР ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА, ОДАМЛАРНИНГ БОШИНИ ҚОВАШТИРИБ, МЕҲР-ОҚИБАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИ ЯХШИЛАШ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШДА ҲАЁТИМИЗДА КАТТА ЎРИН ТУТИБ КЕЛМОҚДА.

Куни кеча Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2006 йилдаги фаолияти якунларига баъинланган навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров ўтган йилда қилинган ишлар юзасидан ҳисоб берар экан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да баъжарилган алоҳида аҳамиятга молик ишлар, камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. — Таъкидлаб ўтиш жоизки, — деди жумладан Р.Нодиров. — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурининг ижил баъжарилишида «Маҳалла» жамғармаси ходимларининг муносиб улуши бўлди. Утган йил мобайнида жамғарманин шаҳар бошқаруви ҳамда жойлардаги бўлимлари томонидан йил дастуридаги энг асосий йўналиш вазифалари — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-муруват ишларига 681.574.200 сўм маблағ сарфланди. Хусусан, кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳамда тегишли муассасалардан келиб тушган 717 та аризалардан жамғарманин шаҳар бошқарувида 92 таси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан 625 таси ўрганиб чиқилиб, барчаси ижобий ҳал этилди ва уларга шаҳар бошқаруви томонидан 102.566,8 минг сўмлик хайрия ёрдалари ажратилди. Шунингдек, турли саналар муносабати билан маҳаллаларда

Маҳалла ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, РЕЖАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

фарининг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, йил давомида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 майдаги 299-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг 2005 йил 17 августдаги «Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини тақомиллаштириш масалалари тўғрисида»ги раёсат қарорининг баъжарилишини таъминлаш юзасидан 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча 11 та туман «Маҳалла» жамғармалари таркибига маслаҳатчилар билан ишлаш бўйича бош маслаҳатчи лавозими киритилди. Шу билан бирга «Маҳалла» жамғармаси таркибига маслаҳатчилар билан ишлаш тизи-

бирлар режасини ишлаб чиққан ва бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, мувофиқлаштириш ва мониторинг ишларини олиб бориш жадвали ташкил этилган. Натижада ҳозирда шаҳардаги мавжуд 474 та маҳаллаларнинг ҳаммасида маънавият тарғиб комиссиялари фаолият юритаётган бўлиб, ҳар бирида «Тарғиботчилар гуруҳлари» иш олиб бормоқда. Ёш авлоднинг соғлом тарзда вояга етишини таъминлаш йўлида 2006 йил мобайнида «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган спорт мусобақаларига жами 54643 нафар ўсмирлар қамраб олинган. Ушбу тадбирларнинг ўтказиш учун 21153000 сўм сарфланган. Шунинг 9.377.000 сўмини «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ва 10.746.500 сўмини ҳомийлар маблағи ташкил этади. Аънавий «Футболсимиз келажак» республика турнири мусобақалари маҳалла ўсмир ёшлари ўртасида ўтказилиб келинмоқда. Ушбу спорт мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳамда гиёван-

дликнинг олдини олиш, уларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишларига жалб қилиш, ҳаваскорлар футболини ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Маҳаллаларда оилавий спортни ривожлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила аъзоларининг жисмонан баркамол, бақувват ва соғлом бўлишига йўналтириш мақсадида «Соғлом оила», «Отам, онам ва мен — спортчидир оилам» спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, 2006 йил мобайнида Тошкент шаҳри маҳаллалари ривожига шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳам катта эътибор қаратилди. Йил давомида 18 та маҳалла гузарлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарид Абдурахимова, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Анвар Аҳмедов, Тошкент шаҳар «Ҳуроний» жамғармаси раиси Муҳаммаджон Зуфаров, Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Искандар Расулов ва бошқалар сўзга чиқиб, қилинган хайрли ишлар билан бир қаторда, камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлиги, албатта ишга янада изчиллик билан ёндашиб, Ижтимоий ҳимоя йилида уларни бартараф этиш лозимлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Шу билан бирга пленумда кун тартибидagi Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари таҳлили, жамғарманин «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширадиган иш режаси ҳамда сарф-ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари малакасини ошириш юзасидан семинар-йиғилишларга тайёргарлик қўриш тўғрисидаги масалалар бўйича ҳам фикрлашиб олинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХИ ВА САНЪАТИ» ФРАНЦИЯ УЮШМАСИ «ТЕМУРИЙЛАР» НОМЛИ ЖУРНАЛИНИНГ 30-СОНИНИ ЧОП ЭТДИ.


Мазкур журнал 1988 йилдан буён нашр этилади. Тахрир хайъати аъзолари орасида Самарқанд ҳақида қатор асарлар битган Л.Керен, Ф.Брессан сингари таниқли шарқшунос олимлар, дипломат М.Персиани, машҳур археолог Ф.Грне, ўзбекистонлик профессор Т.Ширинов бор. Журналда Темурийлар даври тарихи, санъати ва маданиятига, шунингдек, бугунги Ўзбекистоннинг илмий ҳақида маданий ҳаётинга оид турли илмий-оммабоп материаллар чоп этилади. Нашрнинг навбатдаги сонидида Франция-Ўзбекистон археология миссияси, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ўз ифодасини топган. Журнал бош муҳаррири Ф.Брессан хоним қаламига мансуб бош мақолада мазкур уюш-

«ТЕМУРИЙЛАР» ЖУРНАЛИ УЎҚАМИЗНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДА

ма фаолияти ва унинг келгусидаги режалари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Унда муаллиф Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг таниқли француз олими Л.Кереннинг «Темур давридаги Самарқандга йўл» номли асари қайта нашр этилиши муносабати билан йўлланган мактуби ҳақида алоҳида тўхталган. Шунингдек, Франция-Ўзбекистон археология экспедициясининг Қўқтепа ва Афросиёбда қазилма-ишларини олиб боришда эришган муваффақиятлари ҳам қайд этилади. «Илм-фан тарихи» рукни остида «Ибн Сино - Франция» уюшмаси президенти доктор М.Боннелнинг «Хоразм Маъмур академияси ўрни ва аҳамияти» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда Марказий Осиёнинг дунё цивилизацияси ривожига сал-

моқли ҳисса қўшгани ҳақида сўз боради. — Ўз атрофида ал-Фаробий, ал-Беруний, Ибн Сино каби буюк мутафаккирларни бирлаштирган бу илм маркази томонидан янги илмий концепциялар ишлаб чиқилган, — деб ёзади М.Боннел. — Кимё, астрономия, дорихунослик, тиббиёт, фалсафа, тарих ва жўрофия шитоб билан ривож топди. Муаллиф ўша кезлари Европа уйғониши бевосита мусулмон маданияти таъсири остида бўлганини қайд этар экан, қўллаб шоярлар ва илм аҳлининг ҳомийси бўлган Хоразм Маъмур академияси ўз даври илм-фаннинг рамзи сифатида эътироф этилганини алоҳида таъкидлайди.

З.АЗИЗХОНОВА «Жаҳон» АА



Олий ўқув масканларида МУНОСИБ ҲИССА ҚУШИШМОҚДА

ШУНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ЭЪТИРОФ ЭТА ОЛАМИЗКИ, МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ ХўЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ФАОЛ МЕҲНАТЛАРИ ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ОЛИМА АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА, ҲАМ ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҚўШАётган ҲИССАЛАРИНИ ТАЪКИДЛАМОҚ ЖОИЗ, АЛБАТТА.

Бунёдкорлик кўлами ортган, шаҳар хўжалиги истиқболлари бўйича режалар амалга ошириладиган бугунги кунда ушбу соҳаларнинг етуқ мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг қурилиш муҳандислари факультетига замонавий кадрлар тайёрлаш борасида амалга ошириладиган ишларни таъкидлаган ҳолда «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» кафедрасининг ана шу муҳим юмушга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапириб ўтмоқчимиз.

1991 йил, яъни Мустақиллигимизнинг илк даврида ташкил топган кафедранинг шаҳар қурилиши ва хўжалиги йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда шаҳар ҳудудлари ва биноларидан фойдаланиш, ёппасига реконструкциялаш ва реставрациялаш, шаҳар қурилиши ва хўжалиги иқтисодиёти мутахассислари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Кафедранинг ҳозирда шаҳар қурилиши ва хўжалигини мукамаллаштириш йўналишида «Шаҳар муҳитининг шаклланишида ворислик мавзуси» бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, уларда иқтидорли талабалар ҳам устозлари кўмагида фол қатнашмоқда.

— Шунинг таъкидлашим лозимки, кафедрамиз устоз-ўқитувчиларининг билим ва малакалари эвазига тайёрланаётган етуқ мутахассисларимиз, — дейди кафедра мудири, доцент Саодат Қосимова, — қурилиш ва ободонлаштириш ташкилотларида, лойиҳа ва илмий текшириш институтларида, шаҳар ҳокимияти ва бошқармаларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда. Бунда, албатта кафедрамизда фаолият юрсатаётган олим ва устоз аёлларимизнинг ўрни алоҳида. Шу ўринда илм-фан йўлида изланаётган ҳамда мутахассис кадрлар тайёрлашда билим ва малакаларини сарфлаётган катта ўқитувчиларимиз Алина Гриценко, Наргиза Толипова, Ольга Бадед, ассистент Барно Муталоваларни таъкидлашим лозим. Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Президентимиз 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари хусусида тўхталиб, коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш доимий эътибор талаб қилаётган еттинчи устувор йўналиш дея таъкидлаб ўтдилар. Албатта, ушбу соҳани ривожлантириш, муаммолар ечимини топишда биз тайёрлаётган кадрларимиз малакасига жиддий эътибор қаратмоғимиз керакки, бу ходимларимиздан изланишларни талаб этади.

Яқинда институтда «Мамлакатимиз илм-фани, техникаси, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётида оlima аёллар ўрни» деб номланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Юқоридаги кафедра ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари ҳам ушбу анжуманда ўзларининг соҳага оид қатор мавзулардаги маърузалари билан иштирок этишди. Энг муҳими эса уларнинг шаҳар қурилиши ва хўжалиги учун тайёрланаётган кадрлари етуқлигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигига қаратиладиган эътибордир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: кафедра фаолиятига оид лавҳалар.

Солик ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

ДАРҲАҚИҚАТ, ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ СОЛИКЛАР ТИЗИМИ ВА СОЛИКЛАР СИЁСАТИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. НЕГАКИ СОЛИКЛАР НАФАҚАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРИБ ТУРАДИ, БАЛКИ УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан ана шу соҳага асосий эътибор қаратиладиганлиги ҳам шундан. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Солик маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва 2006 йил 7 ноябрдаги «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

— Шулардан келиб чиқиб, яқинда Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат Солик кўмитасида бўлиб ўтган йиғилишларда ана шу Фармон, қарор ва қонунларнинг амалдаги ижросига алоҳида тўхталиб ўтилди, — дейди биз билан суҳбатда Яқиндаги «Орифлей», «Ирис-тон авлод», «ТашДЭУцентр», «Алихон», «Ткаченко А.А.» сингари қатор савдо корхоналари раҳбарлари бу ишда пешқадамлик кўрсатишди. Бирок гуруҳ кумраксиз бўлмаганидек, айрим тадбиркорларимиз томонидан қарорамдани яшириш, чек бермаслик, касса машинасидан фойдаланмаслик ҳолатларининг учраётганлиги ачинарлидир. Ўтказилган қиска муддатли текширув натижаларига қўра, айрим тадбиркорларимиз томонидан ўч миллион сўм миқдоридagi пул маблағлари банкка ўз вақтида топширилмаганлиги

белгилаб олишди. Мана шу ишларнинг самараси туфайли ўтган икки ойлик муддат ичида истеъмол товарларининг республика ҳудудига четдан ноқонуний олиб келиниши, бозорларда ва руҳсат этилмаган жойларда сотилишининг олдини олиш, асосий солиқ турларидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари баъжарилишини таъминлаш мақсадида хусусий тадбиркорлар билан қатор давра суҳбатлари ўтказишга эришилди. Бу борада кенг қўллаш тўшунтириш ишлари олиб борилиб, қиска муддатли текширувлар ташкил этилди. Албатта, бу саъй-ҳаракатимиз ўз самарасини бермасдан қолмади. Жумладан, ҳудудимиздаги турли хил мулк шаклида фаолият юрсатаётган тадбиркорларимизнинг нақд пул топшириш режасини ортиги билан удаллаш ҳолатлари кескин ошганлиги кузатилди. Айниқса, тумандаги «Орифлей», «Ирис-тон авлод», «ТашДЭУцентр», «Алихон», «Ткаченко А.А.» сингари қатор савдо корхоналари раҳбарлари бу ишда пешқадамлик кўрсатишди. Бирок гуруҳ кумраксиз бўлмаганидек, айрим тадбиркорларимиз томонидан қарорамдани яшириш, чек бермаслик, касса машинасидан фойдаланмаслик ҳолатларининг учраётганлиги ачинарлидир. Ўтказилган қиска муддатли текширув натижаларига қўра, айрим тадбиркорларимиз томонидан ўч миллион сўм миқдоридagi пул маблағлари банкка ўз вақтида топширилмаганлиги

аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича салкам 25 миллион сўм атрофида молиявий зарима қўлланилди. Шунингдек, савдодаги истеъмолга яроқсиз, акциз маркази бўлмаган салкам 5 миллион сўмликка яқин спиртли ичимликлар олиб қўйилиб, тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди. Қўришиб турибдики, даромадларни атайлаб яшириш, тегишли тартибга амал қилмаслик, ноқонуний савдо билан шуғулланиш ҳеч кимга борака келтирмайди. Бундан эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истагид бўлганлар тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур, деб ўйлаймиз.

— Мен бир нарсасига ҳеч тушунолмайман, — деб суҳбатни давом эттирди Собир Раҳимов туман давлат солиқ инспекциясининг қиска муддатли текширувлари ўтказиш бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Мамарасулов. — Хабариниз бор, ҳукуматимиз томонидан ноқонуний савдо билан шуғулланишга барҳам бериш, даромадларни яшириш, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни сотувга чиқаришни тақиқлашга оид жуда кўп Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилаёпти. Қолаверса, шу соҳанинг мутахассиси сифатида жойлардаги аҳоли ўртасида ҳам қўллаб урчуллар, давра суҳбатлари ўтказишга ҳаракат қил-

Ғайрат ДОНИЁРОВ

МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СўНГ, БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ ЙўНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ўТИШНИ ўЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚўЙДИ. УШБУ МАҚСАДНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚИ ЙўЛИДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК ҚУНЛАРИДАНОҚ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАъНАВИЙ-МАъРИФИЙ ЖАБҲАЛАРДА КЕНГ КўЛАМЛИ ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Республикамиз иқтисодиётида эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқда ва бу жараён энг муҳим масалани — мулк масаласини, кўп укладли иқтисодий тузумни ва унда мулкнинг ҳал қилувчилик ролини таъминлашни тақозо этади. Мулкдорлар синфининг шаклланиши жамиятда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни кафолатлайди. Маълумки, иқтисодий ўзгаришлар ва унинг негизда шаклланган жамиятнинг иқтисодий асоси мулкчилик муносабатларига боғлиқ. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчиликни эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Яъни, давлат мулкни хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Жамиятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, ҳеч қайси бир жамиятнинг мулкчилик муносабатларисиз тасаввур қилиб бўлмади. Маълумки, кишилик тараққиёти дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақаларида турли даврларда, турлича ҳолатларда юз бергани билан, шаклан ва мазмунан айни бир хил тартибда амалга ошган. Жумладан, мулкчилик, мулкка бўлган муносабат жамият тараққиётининг ва кишилар дунёқарши ҳамда эҳтиёжларининг маҳсули сифатида шаклланибди. Ўзбекистон Республикасида ҳам жамият ривожини иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи, халқнинг моддий манфаатларига хизмат қилувчи мулкчи муносабатларга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг мураккаб ва жамият иқтисодий тараққиёти учун ўта муҳим омилдир. Кўп укладли бозор иқтисодиётини ҳамда ҳақиқий рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг зарурий шarti бўлган, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналарга ва ташкилотларга айлантириш йўли билан давлат монополиясида бўлган мулкчиликка барҳам берилди. Хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш, мулкни чинакам мулкдорлар қўлига топшириш, уларда мулкдорлик тўғрисида шакллантириш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш мамлакат иқтисодиёти олга силжишини муҳим шarti бўлиб қолмоқда.

Мулкчилик муносабатлари мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келади ҳамда унинг объектилари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулк объектидир. Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти — ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўган — бу ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш ҳисобланади. Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти бўлиб чиқади.

Демак, мулкчи муносабатларсиз иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёнида ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устулгини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигининг, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигининг баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Азизбек ҲАКИМОВ

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг Ахборот технологиялари ва менежмент факультетининг 2-босқич талабаси

Санъат МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «ТЕНГДОШ» МАДАНИЯТ УЙИДА ТУРЛИ ХИЛ МАъНАВИЙ-МАъРИФИЙ ТАДБИРЛАР ўТКАЗИШ ОДАТИ ҲАЛГА АЙЛАНГАН. ЧУНКИ БУНДАЙ ТАДБИРЛАР ЁШЛАР МАъНАВИЯТИНИ КУНГАЛТИРАДИ, УЛАР ДУНёҚАРАШИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.

Куни кеча «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Мароқли учрашув» деб номланди. Унда Шароф Рашидов ва «Машинасозлар» маҳаллаларидан ташриф буюрган ёшлар Республика Давлат «Нихол» мукофоти совриндори, таниқли эстрада хонандаси Абдували Ражабов билан ижодий мулоқотда бўлишди.

Эстрада хонандасининг санъатга қирғил келиши, ижодий изланишлари ҳақидаги ҳикояси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. — «Тенгдош» маданият уйи раҳбарияти ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, маънавий онгини шакллантириш мақсадида тез-тез турли хил тадбирлар, анжуманлар, бадий кечалар уюштириб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани таҳсинга сазовор, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Назира Гайнулина, — бугунги учрашув эса ёшларда эстрада санъатига бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Дарҳақиқат, ўзбек эстрадасининг бугунги кундаги ривожини, Абдували Ражабовнинг келгуси режалари ҳақида катнашчилардан Муножат Усмонова, Шўҳрат Эгамбердиев, Барно Эгамбердиева, Махбуба Ҳаққулова ва Шодмон Мирзаевлар томонидан берилган саволлар барчада қизиқиш уйғотди. Чунки Абдували Ражабов ҳар бир саволга батафсил жаваб қайтарди. Шунингдек тадбир якунида хонанда ижросида янграган қўшиқлар кеча фойизига фойз қўшди.

— Ёқимли мусиқа кишига илҳом бағишлайди, зафарли одамларга қорлайди, — дейди биз билан суҳбатда «Тенгдош» маданият уйи директорининг ўринбосари Хосият Маллабоева. — Шу боис ҳам ёшлар билан санъаткорларнинг ижодий учрашувларини уюштиришга интилаемиз. Бу каби тадбирлар ёшларда санъатга бўлган қизиқишини янада оширади.

Мароқли ўтган тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди. (Ўз муҳбиримиз)

ОЗ-ОЗ ҲУНАР...
ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқига кўпрак ҳадаф. Кимки ўжар бўлса, турли балоларга кўпроқ дучор бўлади. Ким кафани ёд этар, андин ўлук оғохроқ.

Ким кўрди экин жаҳонда, оё, хушлук, То бир киши айлағай таманно хушлук, Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлук, Омодадурур ёнида юз нохушлук.

Бирор киши жаҳонда хурсандчилик кўрганмики, то бошқалар уни орзу қилса? Юз йилда бир марта хурсандчилик агар муассар бўлса, унинг ёнида юз нохушлик ҳам тайёр туради.

Ким бўлса бу мотамқададек аро, Сайр айласа гамсириштлиқ одам аро, Гар одам эрур, бўлса керактур гам аро, Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

Ким бу гамконага ўкшаган оламда яшаса, зуваласи гамга қорилган одамларни кўрса, одам экан, гамга ботади, оламда экан, мотамда қолади.

Кўнгул ичра гам камлиги асру гамдур, Алам йўқлиги дағи қаттиқ аламдур. Кўнгулда гам камлигининг ўзи катта гамдир, аламнинг йўқлиги ҳам аламдир (яъни одам беғам бўлмайди).

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор, Одамай бўлса, пари бирла малақдин ори бор. Фарийшасифат париваш ёри бор киши одам бўлса, хуру париларни орзу қилмайди.

Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш? ***

Кимсани қўймас ҳамиша чун бу даҳри дун йигит. Бу тубан дунё ҳеч кимни ёшлиғича қолишга қўймайди. Кўнгулнинг ўзағадур ҳар лаҳза ҳоли.

Кўп ачигланма, агар бўлсанг улустин талхком, Улча қисмингдур қазодин, кимга айларсен ғазаб? Халқдан аламзада бўлсанг, кўп ачигланма, тақдирнинг ҳукми шу бўлса, кимга ғазабингни сочсан?

...кимса йўқим, чарх зулмидин забун эрмас. Бу дунёда тақдирнинг номардлигидан жабр кўрмаган кимса йўқ.

Кимга қилдим бир вафоқим, кўрмадим юз минг жафо?!

Кўп, эй гул, урма булбул жонига бедод хоринким, Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон. Эй гул, булбул кўксига зулму ситам тиканини кўп санчма, бу бўстон сену мендек гулу булбулни кўп кўрган.

Кўнгулни гар, десанг, олдурмай, аввал кўзни олдурма.

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Кирмағай жаннат ичра ҳеч бахил, Гарчи ул бўлса саййиди Курайий. Бормағай дўзах ичра ҳеч сахий, Фильмасал, бўлса банди хабайий.

Курайи қабиласи (пайгамбар авлодидининг улуғларидан эса-да, бахил киши жаннатга кирмайди. Қора танли ҳабаш эса-да, сахий киши дўзахга тушмайди.

Кишики, истасаким етмағай малолат анга, Керакмас ахли жаҳон бирла завку ҳолат англа.

Кимса даврон ахлидин ҳаргиз вафое кўрмади.

Киши девона бўлса яхшироқ юз қатлақим, аблах.

Кўнгул футур ўлмайин, роз очилмас, Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас. Садаф сиймай гавҳар чиқмаганидек, кўнгул ҳам то жа-роҳат етмас экан, сирларини очмайди.

Киши айбин юзига қилма изҳор, Тааммул айла ўз айбинга зинҳор. Киши айбини сира юзига айтма, ундан кўра ўз айбларингни ўйла.

Кишиким, ёрини ҳар кун кўрага ўрганур эрмиш, Чу бир кун кўрмас эрмиш, бениҳоят эмганур эрмиш. Ёрини ҳар кун кўришга ўрганиб қолган киши бир кун кўрмай қолса, ниҳоятда қийналар эмиш.

Кўрубмен анча гаму дард ошнолардин, Чекибмен анча алардин алам ано бирла — Ки, тушса жоним ажал сайлига, эрур хўброқ Фариклиқи, халос бўлмоқ ошно бирла.

Яқинлардан шунча кўп гаму дард кўрдим, улар туфайли шунча кўп оғир аламлар чекидимки, улардан қутулиш учун жоним ажал тўфонига ўраб, йўқ бўлгани яхшироқ.

Киши топса ҳамдардини ноғохон, Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон.

Ким бу чаман ичра хиромон эрур, Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.

Кишига неча келса мушкул ҳол. Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол. Кишининг бошига ҳар қанча мушкул иш тушмасин, илм ва ақл билан уларнинг барчасини ҳал қилиш мумкин.

Кимки жаҳон ахлида инсон эрур, Билки, нишона анга иймон эрур.

Кўзки, эрур эгри анинг хилқати, Бирни икки кўрмак эрур санъати. Кўз қийишқ бўлса, битта нарса унга иккита бўлиб кўри-нади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Болалар спорти

ГИДАМДА — МИЛЛИЙ
КУРАШИМИЗНИНГ
БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАРИ

43 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўрта-сида ўзбек миллий кураши мусобақаларининг сараловчи босқичи бўлиб ўтди. Сўнг эса Шайхонто-

хур тумани бўйича финал мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларга Шайхонтохур тумани халқ таълими бўлимига қарашли 18-сонли болалар ва ўсмирлар спорт



мактабининг тренери Ботир Юсупов ҳакамлик қилди. Тадбирда мактабгача таълим муассасаларининг жисмоний тарбия йўриқчилари, мудири ва услубчилар иштирок этдилар. Жажжи болажонлар ўртасида ўтказилган ўзбек миллий кураши мусобақалари ниҳоятда қизгин кечиб, унда болаларнинг спортга бўлган иштиёқлари ва иқтидорлари ёрқин намоён бўлди. Шунингдек, таълим муассасаларида болаларни ёшлигидан спортга жалб этиш ишлари намунали йўлга қўйилганлиги яққол акс этди. Мусобақа якунида ғолиб ўқувчилар аниқланди. 84-босма-мактаб мажмуаси тарбияланувчиси М.Эргашев, 241-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси А.Абдуфаттоҳов, 71-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Б.Ақбаровлар биринчи ўринга сазовор бўдилар. Иккинчи ўрин эса 461-мактабгача таълим муассасаси тарбия-

ланувчиси О.Олимжонов, 187-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Ж.Ваҳобов, 229-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси А.Ақбаровга насиб этди. Шунингдек, бир неча тарбияланувчилар учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. **Равшан ШОКИРОВ**
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбек Давлат циркида 2007 йил 17 март соат 18-00 да, 18 март соат 14-00да ва 18-00да «Ассалом, Наврўз» деб номланган катта байрам концерти бўлиб ўтади.
Концертда: Ўзбекистон халқ артисти: Фуломжон Ёқубов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Огабек Собиров Гулсанам Мамазоитова Равшан Комилов
Собиржон Мўминов Шухрат Қаюмов Эстрода хонандалари: Анвар Собиров Дилшод Раҳмонов Ҳосила Раҳимова Отабек Мухаммадзоҳид Шаҳнозабону иштирок этадилар.
Касса соат 9-00дан ишлади
Телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04, 144-32-23.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида жойлашган МЧЖ «УМИДЛИ САНА» дезинфекция станцияси корхоналар, ташкилот ва фирмалар билан, шунингдек, аҳолидан юқумли касалликлар тарқатувчилари—суварақлар, пашша, чивин ва кемирувчиларга қарши кураш юзасидан шартномалар тузади ёки бир маротабалик ишлов ўтказиш учун буортмалар қабул қилади.
Биз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган 4635 сонли лицензия асосида иш юритамиз.
Манзилимиз: Уста Шири
1-берк кўча, 1-уй.
Телефонлар: 148-12-54, 398-92-42, 398-90-04

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Ўсмирлар ва қизлар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва интернатларнинг тарбияланувчилари учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Хоҳловчилар 14 ёшдан 25 ёшгача бўлиши керак.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-09, 144-37-31
Соат 9.00 дан 17.30 гача кўнғироқ қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимларига **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Таълим муассасаси номи	Манзили	Изоҳ
1	Миробод сановат касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Чехов кўчаси, 59-уй	
2	Қўйлиқ хизмат касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Қўйлиқ 5-маассив, 50-уй	
3	Ўзбекистон таълим унитарлари университетининг қўшмадаги академик лицейи	Учтепа тумани, Решетов кўчаси, 4-уй	
4	Тошкент фармацевтика институти қўшмадаги академик лицейи	Сергели тумани, Дўстлик мавзеси	Янги қурилиш

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3.Сўровнома (справка-объективка);
3.Таржимаи ҳол;
4.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
5.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7.Илмий услубий ишлар ва ихтиролар руйхати (мавжуд бўлса);
8.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9.Паспорт (нусхаси);
10.Тавсифнома.
Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават: **Тел: 136-05-01, 133-80-34.**

Мунажжим башорати
ВАЪДА БЕРДИНГМИ — БАЖАР!
1 МАРТ, ПАЙШАНБА
Бугун кўш Балик буржининг 11-даражасида бўлади. Бу ҳолат, бир томондан, суд ишларида омадингиз келишини билдирса, иккинчи томондан, ортиқча бадгумонлик, ирим-сиримларга берилиш, ярамас нарсалар, одамларнинг инсон ҳаётидаги ролини муболага қилиш билан боғлиқ бўлади.
Кўш тақвими бўйича 16-кун бўлган бугунда кишилар орасида ўзаро муносабатларни ойдинлаштиришга интилиш кучли бўлади. Бугун берилган ҳар қандай ваъдаларни ҳеч бир сўзсиз ва аниқ бажариш тақозо этилади. Шунингдек, бугунги кун муҳим шартномаларни имзолаш ва масъулиятли музокараларни олиб бориш учун ҳам хайрли бўлади.
Ой тақвимининг 12-куни зиддиятли кунлардан бири ҳисобланади: баджаҳл, ноқерат одамлар бошига кўплаб нохушликлар ёғилади. Меҳр-муруватли ва оққонгил кишилар эса, ҳар бир нарсада мадад ва кўмакни ҳис этиб туришади.
Бугун шиша ёки бошқа бирон идишни топиб олиш омад ва моддий фаровонликдан дарак берувчи яхши аломат ҳисобланади.
БУГУН:
— бошлаб қўйган ишингизни давом эттириш;
— ўз имижингиз ҳақида қайғурингиз;
— лозим даражада худбинлигингизни намоён этиш;
— ҳар қандай қарорларни мустақил қабул қилиш;
— ўзингиз учун энгил ва ёқимли ишлар билан шуғулланиш;
— ўзингизни хурсанд қилувчи бир озгина ортиқчиликка йўл қўйиш тавсия этилади.
Янги ишга киришни, рўзғор муаммоларига кўпроқ эътибор бериш, ўз муаммоларингизни қариндошлар, қўшнилар ва ҳамкасбларингиз билан муҳокама этиш, ўтмишни эслаш, бўғимлар ва тиш оғриғига чидаб ўтиришдан ўзингизни сақланг.
Тўқ кўк рангли кийимлар бугунги кунингиз руҳига мос бўлади.

ИШБИЛАРМОН - ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Республика кўчмас мулк биржаси Бошқаруви, Республикада тадбиркорликка ва хусусий мулкчиликка доир кўрсатилаётган алоҳида эътибор ҳамда имтиёزلардан келиб чиққан ҳолда, юртимиз тадбиркорлари ва хорижий инвесторларга биржа савдоларида иштирок этишлари учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида, РКМБ тизимида марказлашган электрон биржа савдоларини 2007 йилнинг 1 март кунидан эътиборан, доимий равишда ҳар ҳафтанинг расмий иш кунлари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилди.
Сиз 2007 йил 1 мартдан бошлаб нафақат душанба, чоршанба ва жума кунлари, балки ҳафтанинг қолган сешанба ва пайшанба кунлари ҳам РКМБ тизимида марказлашган электрон биржа савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш имкониятига эга бўлингиз.
Савдо сессияси кунларида марказлашган электрон биржа савдолари: **НО-ДАВЛАТ** мулклар бўйича соат 9-30 дан 12-30 гача; **ДАВЛАТ** мулклари бўйича соат 14-30 дан 17-30 гача ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар олиш учун Сиз азизлар: «Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, Ўразбоев кўчаси 1-а уй манзилига ёхуд 399-84-48, 399-79-52 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
Интернетдаги сайтимиз: www.rkb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Изоҳнинг ҳолати йўқ.
Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилади ва сақланади.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6